

**Масъулияти чекланган жамият  
шаклидаги «HOMBUR-AUDIT» аудиторлик ташкилоти**

**Манзил:** Қарши шаҳри, 180100 Насаф, 19-уй. Тел, +99891-947-11-71

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Қарши шаҳар “Semurg” ИФ акциядорлик жамияти бошқаруви органларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

<b>Тулик номи:</b>	“Semurg” Инвестиция фонди акциядорлик жамияти
<b>Юридик манзили:</b>	Кашкадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кучаси 2 уй
<b>Хисоб рақами:</b>	20216000700536003001 “Асака банк” Қарши шаҳар
<b>МФО:</b>	00194
<b>ХХТУТ:</b>	96420
<b>СТИР:</b>	202075399
<b>Тел:</b>	99-333-72-11
<b>Асос:</b>	31.03.2023 йил 33-сон шартнома

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги **“HOMBUR-AUDIT”** аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудитор малака сертификати №05832 16.12.2021 йил) Жавлиев Шеркузи Мустафаевич **“Semurg” ИФ акциядорлик жамиятининг** 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати ахамиятли қондаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувиге асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий ҳисоботларда ақс эттирилган суммалар ва очиб

берадиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб тамойилларини бажаришни уз ичига олади. Танланган тартиб-тамойиллар аудиторнинг мулохазасига шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий хисоботларда юзага келиши мумкин булган мухим бўзиб кўрсатишлар рискларига берилган бахога боғлиқдир. Бундай рискларни бахолашда аудитор вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-тамойилларни ишлаб чиқиш мақсадида тадбиркорлик субъекти уз молиявий хисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим етиши билан боғлиқ булган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит утказиш қўлланилаётган хисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан хисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилиги баҳолашни, шунингдек молиявий хисоботларнинг умумий ифодаланишни баҳолашни ҳам уз ичига олади. Биз узимиз олган аудиторлик далиллари уз аудиторлик фикримизни билдиришга асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб хисоблаймиз.

### Фикр

Бизнинг фикримизча “Semurg” ИФ акциядорлик жамиятининг молиявий хисоботлари унинг 2022 йил 31 декабрга булган молиявий ҳолатини, курсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча мухим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ ҳаққоний ақс эттиради.

Хулоса ёзилган сана

28.04.2022 йил

**МЧЖШ «НОМБУР-AUDIT»**  
директори:



**Ш.Жавлиев.**